5. Khamroeva F., Uktamova S., Kuziboyeva O., Abdiakhatova D., Dusanova Sh. Landscape-ecological assessment and meliorative status of the Shohimardonsoy River basin, Fergana Valley, Uzbekistan // E3S Web of Conferences. – 2026. – Vol. 719. – 03001.

6. Qo‘ziboyeva O.M. Farg‘ona botig‘i landshaftlarini zamonaviy usullarda tadqiq etish hamda ular asosida landshaftlardagi o‘zgarishlarni baholash // Fan va jamiyat. – 2022. – B. 32–34.

7. Ibrakhimov M., Awan U.K., George B., Liaqat U.W. Understanding surface water–groundwater interactions for managing large irrigation schemes in the multi-country Fergana valley, Central Asia // Agricultural Water Management. – 2018. – Vol. 201. – P. 99–106.

8. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. – М.: Изд-во МГУ, 1970. – 488 с.

9. Базилевич Н.И., Панкова Е.И. Опыт классификации почв по засолению // Почвоведение. – 1968. – № 11. – С. 3–16.

10. Волобуев В.Р. Расчёт промывки засолённых почв. – М.: Колос, 1975. – 72 с.

Этноэкологик анъаналар ва ландшафт-экологик режалаштиришнинг ўзаро уйғунлиги асосида барқарор ривожланишни таъминлаш (Фарғона водийси мисолида)

Комилова Наргизахон Уриновна

Farg‘ona davlat universiteti Geografiya kafedrasi доценти

Annotatsiya: Мазкур мақолада бугунги кунда, кишилик жамияти билан атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, унга нисбатан истеъмолчилик ва маданиятсиз муносабатлардан мутлақо воз кечиш ва юксак экологик маданиятни шакллантириш таълим тизими олдига қўйилаётган асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Юқоридаги тавсияларни амалга ошириш минтақада барқарор экологик-ландшафт ривожланишни таъминлашнинг дастлабки шарти ҳисобланади. Уни ҳаётга татбиқ этиш эса юксак экологик онг ва маданиятга эга бўлган кишилар томонидангина амалга оширилиши мумкин.

Калит сўзлар:. Аҳоли масканлари, сув хужалиги, экологик архитектура, экологик дизайн, экологик каркас, этногеографик минтака, ахоли зиёратгохлари ва кадамжолари.

KIRISH. Бугунги кунда ландшафт режалаштиришнинг биологик хилма-хиллигини сақлаш, экотизимларни бутунлиги ва табиий мухитнинг саломатлигини таьминлаш, ресурслардан баркарор фойдаланиш, сув, тупроқ, ўсимлик қоплами каби табиий ресурслардан узок муддатга мўлжалланган истиқболини белгиловчи бошқаришни талаб этмокда. Шу мақсада ҳудудни халқ хўжалиги тармоқлари бўйича мос ҳолда тақсимлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда этноэкологик ёндашувга амал қилиш минтақавий режалаштиришда энг тўғри усул ҳисобланмоқда. Бундай ёндашувнинг энг муҳим жиҳати ҳар бир этноэкологик район учун хос бўлган, маҳаллий аҳолида асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиш имконияти яратилади.

Фарғона водийсининг ҳар бир этногеографик минтақаси учун тавсиялар ҳудудий-ландшафт режалаштиришнинг тадқиқотда ўрганиб чиқилган қуйидаги 5 та йўналишга мос ҳолда ишлаб чиқилди:

1. Ҳудуднинг халқ хўжалаги тармоқлари орасида муқобил тақсимланишини, қишлоқ хўжалик ерларини ландшафт талабларига мос келувчи ер турларига ажратилишини, экин майдонлари таркибини ҳам ландшафт турига мос ҳолда тақсимланишини таъминлаш бўйича;

2. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш, тежаш, сув объектларининг химоя зоналарини ташкил этиш ва сув хўжалигини оқилона бошқариш бўйича;

3. Аҳоли масканларини ҳудудий жойлаштириш ва шаҳарсозлик нормаларида экологик архитектура ва экологик дизайн талабларига амал қилиш;

4. Табиатни муҳофаза қилиш ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўрини шакллантириш, экологик каркас яратишда гуманитар-географик билимлардан фойдаланиш бўйича;

5. Экологик туризм ва рекреацияни ривожлантириш, экологик таълим-тарбияда этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиш.

Фарғона водийсида хавзали ёндашув бўйича ландшафт-экологик режасини ишлаб чиқишда ҳудуд этноэкологик маданият нуқтаи-назаридан 4 та этногеографик ландшафт минтақасига бўлинди. Ҳар бир минтақа учун барқарор ривожлантириш ва ландшафтли режалаштиришнинг юқоридаги 5 та банди бўйича алоҳида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Биринчи этногеографик минтақа водийдаги дарёлар конуссимон ёйилмаларнинг чекка қисмлари ва конус оралиғи ботиқларини ҳамда Марказий Фарғона чўл ҳудудларини эгаллайди. Маъмурий жиҳатдан бу ҳудудда Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Бувайда туманларини ҳамда Қўштепа, Олтиариқ, Данғара туманларининг чўл ҳудудларини, Андижон вилоятининг Бўз, Улуғнор туманлари, Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманини ўз ичига олади.

Мазкур минтақа бўйича анъанавий этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиб, қуйидаги тавсиялар берилади:

А. Минтақа нисбатан янги ўзлаштирилган ҳудуд бўлиб, экологик жиҳатдан энг нозик ҳисобланади. Агроирригацион қатламнинг камлиги, тупроқ қатламининг шўрлашиши, қум барханларининг мавжудлиги, ер ости сувларининг ер бетига яқинлиги асосий экологик муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун, бу минтақада заҳира ва табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, ўрмон фонди ерларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бўз, Данғара туманларидаги ўрмон ҳўжаликлари майдонини кенгайтириш, Қизилтепа (Олтиариқ тумани) ҳудудини рекреация ва соғломлаштириш зонасига айлантириш, Тошкент-Ўш-Эргаштом халқаро автомагистралини экологик талабларга мос ҳолда таъмирлаш ва яшил ҳудуд бунёд этиш, янги ташкил этилган сув омбори ва унга туташ ҳудудларда аҳоли дам олиш зоналарини кенгайтириш тавсия этилади.

Қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида кўп йиллик дарахтзорлар (ихота дарахтзорлари) миқдорини кенгайтириш, айниқса, дарахт ва бута ўсимликларидан саксовул, чиннигул, жийда, шўра, туранғи каби майда баргли дарахтлар ва эфемер ўсимликлар майдонини кенгайтириш тавсия этилади.

Экин майдонлари таркибида шўрга чидамли экинлардан оқ жўхори (Sorghum cernuum) шоли, полиз экинлариданқовун етиштиришни кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

В. Минтақа водийнинг ер ости сувлари жамланадиган ва ер бетига сизиб чиқадиган ҳудуди бўлганлиги сув ресурсларидан фойдаланишда ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади. Сабаби бу ҳудудда ер ости сувларининг тўйиниш даври билан (июнь-август) қишлоқ хўжалик экинларини суғориш бир даврга тўғри келади. Натижада, бу ҳолат кўплаб салбий экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари, бу ҳудудда янги қурилган сув хўжалиги объектларидан форйдаланишда экологик талабларга қатъий амал қилиш тавсия қилинади.

C. Аҳоли масканларини ҳудудий жойлаштириш ва шаҳарсозлик нормаларида экологик талабларни бажариш учун бу минтақада тўла имкониятлар мавжуд. Янги ўзлаштирилаётган ҳудудларда ташкил этилаётган аҳоли масканларида дарахтзорлар майдонини кенгайтириш, шамол йўналишига мос равишда ихотазорлар ташкил этиш тавсия этилади. Суғориш тармоқларига ва автомагистралларга яқин жойлашган ҳудудлардаги аҳоли масканларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

D. Минтақада дарё суви етиб бормайдиган лекин булоқ ва чашмалар, зах сувлар ер бетига яқин жойлашган ҳудудларда, ёлғиз дарахтлар атрофида табиатни муҳофаза қилиш мақсадидаги зиёратгоҳлар ва қадамжолар ташкил этиш тавсия этилади. География объектларни номлашда мазкур ландшафтнинг экологик муаммоларни келтириб чиқарувчи компонентлар ҳақида дарак берувчи географик терминлардан (шўр, қум, зах) фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

E. Анъанавий ҳудуддан фойдаланиш жараёнида мазкур минтақада туризм ва рекреацияни ривожлантириш бўйича маълумотлар базаси мавжуд эмас. Бироқ, кейинги йилларда «Бувайда қумлари», «Ёзёвон табиат ёдгорлиги» ҳудудларида экотуризм ва рекреацияни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Келажакда бу соҳани янада ривожлантириш тавсия этилади. Мазкур минтақада этноэкологик йўналишдаги таълим-тарбияни ривожлантиришда анъанавий чўл ландшафтларидан фойдаланиш бўйича тўпланган билим ва кўникмалар билан маҳаллий аҳолини таништириб бориш мақсадга мувофиқ. Бунда мактаблардаги ўлкашунослик тўгараклари имкониятидан кенгроқ фойдаланиш мумкин.

Иккинчи этногеографик минтақа водийдаги дарё ва сойларнинг конуссимон ёйилмасининг марказий қисмини эгалласа-да, бироқ қия текисликлардан иборат. Маъмурий жиҳатдан бу ҳудудда Фарғона вилоятининг Бешариқ, Ўзбекистон, Фурқат, Учкўприк, Боғдод, Риштон, Қўштепа, Тошлоқ туманларини ҳамда Олтиариқ, Қува туманларининг мазкур ландшафт зонасидаги қисмини, Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Асака, Андижон, Олтинкўл, Избоскан, Пахтаобод туманларини, Наманган вилоятининг Учқўрғон, Норин, Уйчи, Наманган, Тўрақўрғон туманлари ҳудудини эгаллайди.

Мазкур минтақа бўйича анъанавий этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиб, қуйидаги тавсиялар берилади:

A.Ер тоифаларидан асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, аҳоли манзилгоҳлари ерлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар катта миқдорни эгаллайди. Бу ҳудуднинг асосий қисмидан интенсив фойдаланилади, бу ўз навбатида ҳудудга тушадиган демографик, техноген, ирригацион, кимёвий, антропоген босим миқдорининг ортиб кетишига сабаб бўлмоқда.Шунинг учун, бу ҳудудларда «экологик сокинлик ҳудудлари»ни - зиёратгоҳ, қадамжо, мақбара, мозорлар каби инсонлар ва табиатга ором берувчи масканларни кенгайтириш тавсия этилади. Табиатни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш ва, айниқса, тарихий маданий аҳамиятга молик ерлар майдонини кескин кўпайтириш имкониятлари мавжуд. Шу билан бирга суғориш тармоқлари атрофидаги сув фонди ерлари майдонини ҳам кенгайтириш экологик талабларга мос келади.

Минтақада қишлоқ хўжалик ерлари таркиби ва миқдорини ҳозирги ҳолатда сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқа тармоқлар учун ер ажратишда

қишлоқ хўжалигида фойдаланиб бўлмайдиган ёки фойдаланиш имконияти камроқ бўлган (релъефи ноқулай) ҳудудлардан ер ажратиш тавсия этилади.

Экин майдонларининг таркибида донли, мойли, толали ва ем-хашак экинлари миқдорини кўпайтириб бориш тавсия этилади. Хусусан, донли экинларнинг камсувталаб, эртапишар навларини (мош, тариқ, жавдар, қўноқ, кузги буғдой), мойли экинларни (кунжут, пахта, зиғир, рапс, махсар, кўкнори, кунгабоқар, каноп), ем-ҳашак экинларини (маккажўхори, беда, арпа) кўпроқ экиш тавсия этилади.Деҳқончиликда тупроқ унумдорлигини сақлашга, қаратилган алмашлаб экиш ва ерни ўғитлашдаги этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиш юқори самара беради.

B. Минтақа сув ресурслари билан тўлиқ таъминланган ва суғориш тизими энг ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Навбатдаги вазифа, мазкур техник иншоотларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш, суғоришнинг янги инновацион усулларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдир.

C. Минтақада 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра,Фарғона водийси аҳолисининг 72,4 фоизи йиғилган. Бундан ташқари аҳолисининг 100 минг кишидан ошган водийдаги 5 та шаҳарнинг (Наманган, Андижон, Фарғона, Қўқон, Марғилон) барчаси мазкур минтақада жойлашган. Бу ўз навбатида мазкур минтақадаги демографик юкнинг меъёрдан ортиб кетишини кўрсатади. Шунинг учун, бу ҳудуд ва шаҳарларда замонавий ландшафт дизайни талабаларига мос келадиган яшил ҳудудлар кенг майдонни эгаллайдиган «боғ-сайилгоҳ» масканларини яратиш тавсия этилади. Бунда этноэкологик маданиятнинг «экологик сокинлик ҳудудлари» ёки шаҳар атрофидаги ота-боболаримиз яратган боғлардан (боғи баланд, боғи беҳишт, боғи шамол...) ёҳуд қадамжо ва зиёратгоҳлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади.

D. Мазкур минтақадаги экологик жиҳатдан ҳавфли объектлар ва аҳоли масканларини қурилишини имкон даражасида чеклаш, экологик функцияни бажарувчи ёки унга кўмаклашувчи халқ хўжалиги тармоқларини кўпроқ жойлаштириш тавсия этилади. Бу ҳудудларда ижтимоий соҳа объектларини ва таълим муасасаларини ривожлантириш орқали экологик таълим тарбияни амалга ошириш имкониятидан тўлароқ фойдаланиш мумкин.

E. Ушбу ҳудуд бугунги кунда ҳам Фарғона водийсидаги туризм энг ривожланган ҳудудлардан ҳисобланади. Қўқон, Риштон, Марғилон, Шаҳрихон, Чуст ҳудудларидаги мавжуд туристик объектларни кенгайтириш ҳамда Андижон, Наманган, Фарғона шаҳарларининг рекреация ва туризмни ривожлантириш имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, Қува, Ахсикент каби тарихий-археологик ёдгорликлар мажуд ҳудудларнинг туристик имкониятларидан фойдаланиш зарур.

Учинчи этногеографик минтақа Фарғона водийсидаги дарёлар конуссимон ёйилмасининг юқори қисмларидаги текисликлар адир орти,адир оралиғи ботиқларини эгаллайди.

Маъмурий жиҳатдан бу ҳудудда Фарғона вилоятининг Фарғона тумани, Кувасой шаҳри ҳамда Тошлоқ, Қува туманларининг адирлик ҳудудларини Андижон вилоятининг Марҳамат, Булоқбоши, Ҳўжаобод, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа туманларини, Наманган вилоятинингЧортоқ, Янгиқўрғон, Косонсой, Чустҳамда Поп туманининг мазкур ландшафт зонасидаги қисмини эгаллайди.

Мазкур минтақа бўйича лардшафт-экологик режалаштириш ишларида анъанавий этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиб, қуйидаги тавсиялар берилади:

А. Ер тоифалари орасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар миқдорини хозирги холатда сақлаб қолиш, аҳоли масканлари ерлари ва сув фонди ерлари миқдорини кенгайтириш тавсия этилади. Сабаби, бу ҳудуднинг биринчи ва иккинчи минтақаларга сув ресурсларини тақсимлашдаги ўрни ва аҳамияти хозирда ҳам сақланиб қолган. Водийдаги гидоузелларнинг асосий қисми ушбу минтақада жойлашган.

Қишлоқ хўжалиги ерлариникўпроқ боғдорчилик ва узумчилик учун ажратиш, суғориладиган экин майдонлари таркибини имкон борича камайтириб бориш мақсадга мувофиқ.Кам сув талаб қиладиган данакли боғларнива ҳар бир ҳудуд учун мос бўлган экин ва дарахт турларини кўпайтириш тавсия этилади.Масалан, Андижонда нашвоти, Наманганда олма, Қўқонда гилос, Марғилонда узум, Қувада анор, Риштонда ўрик, Қувасойда бехи, Чустда нок, Булоқбошида бодом, Олтиариқда бодринг ва турп, Боғдодда қозонювғич, Пахтаободда ерёнғоқ, Марҳаматда кунгабоқар, Сўхда сабзи ва картошка ва б. Бундай қадимдан экиб келинган, махаллий аҳолини мазкур экинларни парваришлаш учун кўникмаси бор, ландшафт талабига мос тушувчи дарахт ва экин турлари майдонларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Минтақа учун экологик жиҳатдан хос ва мос бўлган мевали дарахтлар турини аниқлашда жой номларидан фойдаланиш усули тавсия этилади. Минтақада ўрик, шафтоли, олма, анжир, анор дарахтларининг анъанавий масканлари географик номларда акс этади, масалан, Ўрикзор (Фарғона, Риштон, Наманган, Косонсой, Чортоқ туманлари), Шафтоли (Уйчи тумани), Шафтолизор, Олма (Наманган тумани), Олмазор (Жалақудуд, Косонсой, Янгиқурғон туманлари), Олма-бел (Чуст тумани шимоли), Анжирзор (Наманган тумани), Анорзор (Қува, Избоскан туманлари) кабилар.

Экин майдонлари таркиби иккинчи минтақадан кўп фарқ қилмайди. Кейинги йилларда бу ҳудудларда ҳам боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш тавсия этилади.

В. Минтақа юқорида таъкидланганидек, биринчи, иккинчи этноландшафт минтақалар учун сув тақсимлаш иншоатлари (Қўқон, Сариқўрғон, Водил, Куйганёр ва бошқ.) жойлашган ҳудуддир. Ҳавзали ёндашув бўйича амалга оширилаётган ландшафт-экологик районлаштиришда бу минтақага сув ресурсларини тўғри тақсимлаш ва ундан оқилона фойдаланиш функциясини бажарадиган сув хўжалиги тизимининг муассаларини жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу ҳудудда қўшимча равишда рекреация ва туризм объектларини жойлаштириш ва ривожлантириш лозим.

С. Минтақадаги аҳоли масканлари энг қадимги ўзлаштирилган ҳудудларда жойлашганлиги, уларнинг қўрғон, қалъа шаклидаги кўринишлари ҳозирги давргача сақланиб келган. Аҳоли масканларини шаклланишига сабаб бўлган ресурслар миқдорининг тугаши ёки камайиши уларнинг кейинги иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатишини эътиборга олиш зарур. Нефт-газ қазиб чиқариш билан боғлиқ бўлган шаҳарчаларнинг деярли барчаси ушбу минтақада жойлашган. Чимён, Миндон, Полвонтош, Андижон, Хўжаобод, Жанубий Оламушук каби шаҳарчаларда аҳолини бошқа соҳаларга ихтисослашувини таъминлаш ва бандлигига эришиш учун тарихдан

мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш ҳамда кучли савдогарлик фаолиятини йўлга қўйиш (анъанавий чорбозорчилар) таклиф этилади.

D. Мазкур минтақадаги аҳоли масканларида табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга ошириладиган ишларни ташкил этишда этноэкологик маданиятнинг таркибий қисми бўлган қадамжолар ва зиёратгоҳларни ҳудудий жойлаштириш усулларидан фойдаланиш мумкин.

E. Бу масканлар ўзининг хушманзара табиати ва серсув, сўлим гўшалари билан қадимда ҳам, ҳозирда ҳам зиёратчиларни ўзига жалб этиб келган. Водил, Аввал, Чимён, Арсиф, Полвонтош, Хўжаобод, Ширмонбулоқ, Булоқбоши, Жанубий Олмамушук, Қорасув, Хонобод, Чортоқ, Косонсой, Янгиқўрғон, Чуст каби ҳудудларда туризмни, жумладан, зиёрат ва экологик туризмни ривожлантириш тавсия этилади. Мазкур ҳудудда Фарғона водийсининг дастлабки аҳоли масканлири (Арсиф, Қуббо, Эрши, Косон, Чуст) бунёд этилганлигини эътиборга олиб, у ерларда тарихий-археологик туризмни янада ривожлантириш тавсия қилинади. Юқоридаги зиёратгоҳлар орасида халқаро диний туризмни ривожлантириш имконияти мавжуд бўлган Жалақудуд туманида жойлашган

Тўртинчи этногеографик минтақа Олой, Туркистон, Фарғона, Қурама, Чотқол тизмалари ва адирлари ҳудудини ўз ичига олиб, маъмурий жиҳатдан Фарғона вилоятининг Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг Ёрдон-Шоҳимардон анклавларини, Наманган вилояти Поп туманининг Чодак-Чоркесар ҳудудларини эгаллайди.

Мазкур минтақа бўйича ландшафт-экологик режалаштириш ишларида анъанавий этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиб, қуйидаги тавсиялар берилади:

A. Минтақанинг дарёлар ҳавзасининг қуйи қисмларидаги ерларни сув билан таъминлашдаги ижтимоий-экологик функциясини эътиборга олиб, ҳудуднинг асосий қисмини ўрмон фонди, сув фонди ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ажратиш тавсия этилади. Қишлоқ хўжалиги, аҳоли масканлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларни салмоғини камайтириш ёки ҳозирги ҳолатда сақлаб қолиш экологик жиҳатдан муҳимдир.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг асосий қисми анъанавий этноэкологик ёндашув бўйича яйловлар ва тоғ боғдорчилигига ажратилганлигини инобатга олиб, бу ерларда зиравор ва доривор ўсимликларни кўпайтириш, ёнғоқ, писта, бодом каби ҳудуд ландшафтига мос бўлган дарахтзорлар бунёд этиш тавсия этилади.

B. Ушбу минтақада Хўжабақирғон, Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрам, Аравон, Оқбўра, Қорадарё, Норин, Подшоотасой, Ғовасой, Чортоқсой, Чодаксой каби Фарғона водийсини сув билан таъминловчи асосий дарёлар бошланади. Уларнинг тўйиниш ҳавзаларини муҳофаза қилишда диний-ҳуқуқий усуллардан фойдаланиб, «ўрмон-боғлар», зиёратгоҳлар ва қадамжолар тизимини ривожлантириш тавсия этилади. Шоҳимардонсой ҳавзасидаги каби қадамжоларни ривожлантиришда қўшни давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш кутилган натижани беради.

C. Мазкур минтақадаги аҳоли масканлари зиммасига дарё суви ва режимини сақлаш, ёзги сайёҳлар оқимига етарлича хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш

тавсия этилади. Бундан ташқари минтақа табиатига демографик юкнинг меъёрдан ортиқ бўлишини олдини олиш учун туристларга хизмат кўрсатиш ва кучли савдо тизимини ривожлантириш этноэкологик маданият намуналаридан келиб чиқиб тавсия этилади.

D. Минтақани водийни сув билан таъминлашдаги экологик функциясидан келиб чиқиб, бу ҳудудларда алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўрини ташкил этиш ландшафт-экологик режалаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган бандларидан бири сифатида тавсия этилади. Чунки, мазкур ҳудудда маҳаллий аҳоли томонидан ташкил этилган ўзига хос «қўриқхона»лар (қадамжолар ва зиёратгоҳлар кўринишида) тизимининг мавжудлиги юқоридаги фикримизни асослайди.

E. Мазкур минтақада экологик туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг энг қулай имкониятлари мавжудлиги эътиборга олинади. Этноэкологик маданият кўринишлари сифатида халқаро аҳамиятга молик деб эътироф этилган ислом динидаги 7 та қадамжонинг барчаси (Ўш, Жалолобод, Аравон, Кампировот, Қадамжо, Шоҳимардон, Йигитпирим) ушбу ҳудудда жойлашганлиги экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари нақадар кенглигини кўрсатади.

Бугунги кунда, кишилик жамияти билан атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, унга нисбатан истеъмолчилик ва маданиятсиз муносабатларидан мутлақо воз кечиш ва юксак экологик маданиятни шакллантириш таълим тизими олдига қўйилаётган асосий вазифалардан бирига айланмоқда.

Юқоридаги тавсияларни амалга ошириш минтақада барқарор экологик-ландшафт ривожланишни таъминлашнинг дастлабки шарти ҳисобланади. Уни ҳаётга татбиқ этиш эса юксак экологик онг ва маданиятга эга бўлган кишилар томонидангина амалга оширилиши мумкин. Чунки, ландшафт-экологик режалаштириш юқорида таъкидланганидек, умумий режалаштиришнинг таркибий қисми бўлиб, режа ишларини бошқарувчиларда табиий ландшафтга фақат ресурс сифатида қараб хўжалик манфаатларини олдинги ўринга қўйиш ҳолатлари ҳанузгача учрайди. Тармоқларни «ўзаро муросага келтириш» учун эса экологик билим ва маданият зарурдир. Экологик муаммоларнинг юзага келишига бошқа сабаблар билан бир қаторда умумий этноэкологик маданиятнинг унутилиши, анъанавий табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тизимига менсимасдан муносабатда бўлиш каби омиллар ҳам сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилди Шунинг учун ҳам, кўп асрлар давомида шаклланган минтақа халқларининг табиат (атроф-муҳит) ва жамият (инсон) ўртасидаги ўзаро муносабатларида такомиллашиб борган этноэкологик маданият намуналарини бошланғич ва ўрта таълим тизимидан ўргатиб бориш мақсадга мувофиқ.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Наргиза Уриновна Комилова. Влияние этноэкологических культур на экосистему Ферганской долины. Вестник науки и образования 2 (12 (36)), 73-75, https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-etnoekologicheskih-kultur-na-ekosistemu-ferganskoy-doliny

2. Nargiza Urinovna Komilova. Territorial features of the organization of settlements. 3/6. 809-813. 2022. https://cyberleninka.ru/article/n/territorial-features-of-the-organization-of-settlements

3. Н.Комилова. Этноэкологик маданиятнинг ҳудудий жиҳатлари. https://www.elibrary.ru/item.asp?id=46671614.